

ЛИНГВОКУЛЬТЕРЕМАЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИДАГИ ЎРНИ

Файзуллоев Отабек Муҳаммадович

*Доцент, Бухоро Давлат университети
Ўзбекистон*

Муҳаммадова Асал Отабековна

*Филология факультети 3 курс талабаси
Бухоро Давлат университети
Ўзбекистон*

ARTICLE INFO.

Калит Сўзлар:

Лингвокультурема, этимология,
фольклор, пейзаж тасвири, реал
тасвир.

Аннотация

Мақолада лингвокультуремаларнинг моҳияти ўрганилган ва фольклор асарларидаги ўрни акс эттирилган. Фольклор асарлари ҳам миллий-маданий қадриятларга бой бетакрор манба эканлиги далилланган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Лингвокультуремалар таркиби тил бирликларига қараганда анча мураккабдир. У ўзига нафақат тил ҳодисаларининг шакл маъносини, балки тилдан ташқари ҳолат ва муҳитни ҳам қамраб олади. Лингвокультуремалар тилда ўз аксини топган ва тил бирлигига айланган лексик бирликлар бўлиб, уларда халқ миллий маданияти, этник хусусиятлари ёрқинроқ намоён бўлади. Тилнинг бетакрорлиги, миллий-маданий маъно хусусиятлари лингвокультуремаларда ўз аксини топади. Лингвокультуремалар тил бирлиги сифатида сўз маъносининг маданият акс эттирилган қисми бўлиб, уларнинг маъно-мазмун кўлами сўзга нисбатан кенгрокдир. Агар тил бирлиги ҳисобланган сўз таркиби – белги ва маънодан иборат бўлса, лингвокультуремалар таркиби – белги-маъно-тушунча-предметлардан ташкил топган.

Тил маълум халқнинг узоқ ўтмиш ҳаёти, турмуш-тарзи, урф-одатлари, бетакрор бой ўзига хос маданиятини асрагувчи восита бўлиб, уларни келажак авлодларга етказди. Албатта, ҳар бир тил миллий маданият акс этган маълум миқдордаги лингвокультуремаларга эга. Уларни аниқлаш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш орқага суриб бўлмайдиган масалалардан бири ҳисобланади.

Лингвокультуремалар тўғри ва кўчма маъносидан фарқли ўлароқ, инсон маданияти ва тили даракчисидир. Улар миллий, бебаҳо, кўҳна ва бетакрор маданиятни авлоддан-авлодга етказувчи восита эканлиги билан диққатга сазовор. Шунга мувофиқ, Ш.Сафаров аслида маданият тилга ҳам, маданиятга ҳам таъсир кўрсатувчи ҳодиса эканини алоҳида қайд этади.

Умуман олганда, лингвокультуремаларни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

белги + маъно + маданий мазмун

ёки:

белги + маъно + тушунча (сўз эса = белги + маъно).

Инсоният ўтмиш тарихи ва маданиятини ўрганиш борасида машҳур тарихчи ва этнограф Эдуард Бернетт Тайлор шундай дейди: “Инсон ўтмиш ҳаётини ўрганишни осмон (само) жисмлари табиатини ўрганишга қиёсласа бўлади. Маданиятимиз ривожининг қадимий босқичлари юлдузлар сингари вақт ва масофа нуқтаи назаридан биздан йироқдир”. Демак, тилимизда мавжуд лингвокультуремаларнинг ҳам этимологияси кўҳна маданиятимиз даракчисидир.

“Ибтидоий маданият” (“Первобытная культура”) китоби муаллифи Э.Б.Тайлор халқ маданиятининг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожини ва ундаги индивидуал ва умумийлик ҳақида шундай дейди: “Айрим олимлар кўпинча маълум шахслар ҳаётига шу даражада катта эътибор беришадики, натижада бутун жамият ҳаётини фаолиятига баҳо беришда ожизлик қилишади... Худди шунингдек, бошқа айрим файласуфлар, аксинча, асосий эътиборни умумий ижтимоий ҳаёт қонунларига қаратишади, шу туфайли жамиятдаги ҳаракатланиш асосини ташкил этадиган кўпгина шахслар фаолияти четда қолади. Бундайлар ҳақида рус тилидаги “Ўрмонни кўришади-ю, уни ташкил этган дарахтларни кўришмайди ёки аксинча, дарахтларни кўришади-ю, улар ҳосил қилган ўрмонни сезишмайди” мақоли қўл келади. Бу узоқни кўзлаб айтилган сўзлар лингвокультурема тадқиқотчиларига ҳам дахлдордир, чунки халқ маданияти дурдоналари кичик сўз – лингвокультурема “томчи”ларидан пайдо бўлади ва дарё мисол мавж уриб, дунё аҳлини нафақат ўзига мафтун этади, балки кўҳна, бой қадриятларга эга маданиятимиз орқали ўзликни намоён этади. Бунинг асосий йўналиши бадиий адабиёт ва фольклор асарларини чет тилларга ўгиришда шарқона маданиятимиз бойликларининг сақланишига эришишдир.

Таъкидлаш керакки, фольклор асарлари ҳам миллий-маданий қадриятларга бой бетакрор манбадир. Маълум миллат (халқ, эллат) маданияти, ўзига хос қадриятлари, энг аввало, унинг бадиий ижодида, хусусан, фольклор асарларида ўз аксини топади.

Тил (шу жумладан, асар тили ҳам) маданият билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг бағридан “ўсиб чиқади”, унинг кўзгусига айланади. Шу боис тил маданиятсиз мавжуд эмас, яъни ҳаёт тарзимиз, ўзлгимизсиз, дурдона қадриятларимизсиз тилни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг назарда тутиб, Э.Сепир ҳам тил ва маданият бирлиги ҳақида: “Тил мазмунан маданият билан бевосита боғлиқдир”, – дея алоҳида таъкидлайди. Е.О.Опаринанинг фикрича, лингвокультурология миллий тилда маълум халққа хос бўлган моддий ва маънавий маданиятнинг намоён бўлишини ўрганиши керак.

Фольклор асарларида қўлланилган лингвокультуремалар, аввало, тингловчида маданий ассоциация уйғота олиши билан қимматлидир. Худди шу жиҳати билан улар рецептив жараёнларнинг жонли ва самарали кечишини таъминлайди.

Лингвокультуремалар фольклор асарлари таркибида турли кўринишларда намоён бўлади. Уларнинг бир қисми инсонларнинг миллий қиёфалари ва кўринишлари, феъл-атворлари, шахсий характер-хусусиятлари ва фазилатлари, хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари, касб-кори, орзу-интилишлари ўзига хослигини ифодалашга йўналганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун асарларда қаҳрамонларнинг миллий хусусиятларини очиб беришда, айниқса, уларнинг миллий қиёфасини ёритишда лингвокультуремалардан кенг фойдаланилади. Шу томонлама лингвокультуремалар ҳар бир миллатга хос шахсларнинг характерини, миллий руҳиятини ҳаққоний, аниқ очишга, муайян бир халқ маданий турмуш тарзи билан боғлиқ воқеликларни реал тасвирлашга қаратилгани билан эътиборни тортади.

Лингвокультуремалар маълум бир халққа хос бўлган расм-русум, урф-одатларни акс эттиришда фаол намоён бўлиб, асардаги воқеаларни ишонарли тасвирлаб беришда муҳим ўрин тутаяди. Ш.Сафаров таъкидлаб ўтганидек: “Қадриятлар, ҳеч қандай гумонсиз тафаккур жараёнида ўз аксини топади ва шунинг натижасида «маданий сценарийлар» (cultural scetipts) юзага келади,

уларнинг оламда кечаётган ҳодисаларни фикран ва лисоний воқелантиришда тутган ўрни алоҳида”.

Лингвокультуремалар халқнинг турмуш предметларига хос хусусиятларни ҳаққоний, тўғри тасвирлашга ҳам ёрдам беради. Шунингдек, лингвокультуремалар орқали миллий ҳудудда рўй берган тарихий ва ҳаётий воқеалар ҳам реал тасвир этилади. Лингвокультуремалар воситасида ҳудудга хос мева ва сабзавот, полиз экинлари турлари кўрсатиб ўтилади. Маълум бир ҳудудда кенг тарқалган ҳайвонлар ва қушлар тури кўпроқ лингвокультуремалар орқали тавсифланади. Айниқса, миллий пейзаж тасвирида лингвокультуремалардан унумли фойдаланилади.

Энг муҳими, лингвокультуремалар персонаж нутқида ёрқин акс этади. Чунки муайян бир халқнинг тарихи, маданияти, турмуши, маънавияти, тили билан чамбарчас боғлиқ бўлган мақол ва маталлар, фразеологизмлар ҳам лингвомаданий бирликлар ҳисобланади. Бундай лингвокультуремалар қўлланган нутқнинг бадиий таъсирчанлик кўлами, сермаънолилиги янада кучли бўлади.

Фольклор асарлари ўтмишда яратилиб, ундан кейинги даврларда яшаётган кишилар (кўшиқчи, эртақчи, бахши ва ҳоказо сингарилар) томонидан айтилиши боис уларда ҳам ўтмиш, ҳам ҳозирги тилга хос лингвокультуремалар аралаш учрайди.

Лингвокультуремалар бадиий матннинг прагматик хусусиятларини янада ёрқин очиб беришга олиб келади. Улар асар тилининг ажралмас қисми бўлиб, бадиий асарнинг миллий колоритини ўзида ифода этади. Матнда ифодаланган тасвирларни ёрқин кўрсатиб беришда қўл келади.

Лингвокультуремалар бадиий асарларда турли услубий вазибаларни бажариб келади. Бундан фольклор асарлари ҳам мустасно эмас. Чунки фольклор асарларида у мансуб бўлган халқнинг миллий-маданий ва ментал хусусиятлари бўртиб туради. Шунинг учун уларда халқнинг ўзига хос миллий-маданий қирраларини лисоний ва нолисоний мазмуннинг диалектик бутунлиги кўринишида мужассамлантирувчи лингвокультуремалар катта ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Рисола. – Жиззах: “Санзор” нашриёти, 2006. – Б.70.
2. Edward B. Tylor. “Primitive Culture”. – London: John Murray, Albemarle street, w.1920. – P. 27.
3. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. - М., 1993. - С.193.
4. Опарина Е.О. Лингвокультурология: методологические основания и базовые понятия // Язык и культура: сб. обзоров. – М.: ИНИОН РАН, 1999. – С.27-48.
5. Fayzulloyev, O. 2021. Tarjimaning mahsulli usullari. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz)*. 1, 1 (июн. 2021).
6. Файзуллаев О.М.. "Культура, отраженная во фразеологизмах" Наука. Мысль: электронный периодический журнал, no. 9, 2016, pp. 72-77.
7. Fayzulloyev O. M. The peculiarities of the interpretation of the Uzbek fairy tales // *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (68), 212. – 2018. – Т. 215